# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 22 MART, SHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№40 (6.565). Sotuvda erkin narhda


***Наврўз шодиёналари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида зўр кўтаринкилик, аъло кайфият ва шоду-хуррамлик билан нишонланмоқда.***

# НАВРЎЗ - УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун ўлкамизда қутлуғ айём.

Баҳор нафаси, янгиланиш, уйғониш руҳи тобора кучайиб, юртимизга кириб келмоқда.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшу қари - барча юртдошларимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқмоқда.



Бугун халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўз айёмини ўн иккинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Ушбу байрам тонгида мен мана шу муҳташам саройда жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда:

табаррук оталаримиз ва мунис оналаримизни, муҳтарама опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларимизни, баҳордай очилиб бораётган сулув қизларимизни, ёруғ оламга ҳайрат кўзи билан боқиб турган жажжи набираларимизни - бутун Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли меҳмонларимиз - хорижий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларини, байрам томошаларини дунёга намойиш этаётган чет эл ахборот воситаларининг ходимларини халқимиз номидан қутлаб, «Наврўзимизга хуш келибсиз!» деб айтишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Дунёда турли байрам ва айёмлар, тарихий саналар кўп. Уларнинг барчаси маъно-мазмуни ва моҳиятига қараб ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Лекин, ҳеч шубҳа йўкки, ер юзида энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида катта шодиёна билан нишонланадиган гўзал байрамдир.

Бу ёруғ оламда чархи даврон айланар экан, табиатда тўрт фасл такрор ва такрор алмашиб келаверади. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос зийнати, ўз фазилати бор. Аммо уларнинг ичида баҳор, Наврўз фаслининг шукуҳи, файзу тароватi ўзгача.

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, севги ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.

Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Баҳорнинг келиши одам зотига Оллоҳ берган умрнинг кўп-кўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр хаёлимизга солади.

Шу маънода, ёрдамга муҳтож бўлганларга мурувват кўрсатиш, ҳамдард бўлиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг пешонасини силаш каби олижаноб фазилатларнинг ҳаётимиздаги таъсирини янада кучайтириш, бугун қийинчилик ва етишмовчиликларни бошдан кечираётган ҳеч бир одамни эътиборсиз қолдирмаслик -барча-барчамиз, аввало, катта-кичик раҳбар ва мансабдорлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз айни муддао бўлур эди.

Лўнда қилиб айтганда, юртимизда ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ёлғиз бўлиб қолмаслиги, унинг оғирини енгил қилишда давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам мададкор бўлиши шарт.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Юртимизга Наврўзи олам кириб келишини очиқ қалбимиз, пок орзу-умидлар билан кутлар эканмиз, биз бугунги нотинч дунёда буюк мақсадларимиз сари олиб борадиган йўлимизда кўп-кўп мураккаб муаммолар, синов ва қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Айниқса, бугун узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган хавфли воқеаларни сезгирлик ва ҳушёрлик билан кузатишимиз, халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига, оммавий қирғин қуролларини ишлатишга тайёр бўлган қабиҳ ниятларга қарши сергаклик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Жаҳондаги ҳозирги вазият барчамиздан огоҳ бўлишни, кечаги Афғонистон можаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни олиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай ҳолатларда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўзлаб йўл танлашимизни талаб қилади. Ва бу борада, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва халқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга, уларнинг қудрати ва кўмагига суянган ҳолда келажагимизни кўрмоғимиз даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Буюк шоиримиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Наврўз фаслида деҳқон ер ҳайдаб, уруғ сочади ва шу тариқа эл-юрт учун ризқ-насиба йўлини очади.

Азиз дўстлар, биродарлар, келинг, бугун - янги мавсум арафасида эл-юртимизни боқадиган деҳқонларимизга, барча меҳнатчиларимизга дилимиздаги самимий тилакларимизни изҳор этайлик: ҳамиша бахт ва омадингизни берсин, ҳосилингиз мўл бўлиб, хирмонингиз тўлсин, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.

Ҳар бирингизнинг касбкорингизга, рўзғорингизга, умрингизга барака ато этсин.

Мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган янги йилимиз юртимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Хонадонларимиздан қут-барака аримасин.

Қарияларимизнинг умрлари узоқ, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

Фарзандларимизнинг камолини, иқболини берсин.

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

***Кўклам офтобининг заррин нурларидан баҳра олиб, ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар билан безанган она заминимизга эзгулик ва бунёдкорлик айёми - Наврўз кириб келди. Шу ёруғ кунларда баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, борлиқ янгиланиши мисолида теварак-атрофимизда Наврўз руҳи, айниқса, тугал намоён бўлмоқда.***

Наврўзи оламнинг беқиёс файзу тароватига монанд она Ўзбекистон гул ва кўркамлик тимсолидаги ўзгача кўрку фусунга бурканди, Ватанимиз жаннатмонанд гўшага айланди.

Наврўз - янги кун, демакдир. Наврўз - азал-азалдан аждодларимиз йилбоши деб қадрлаб, асрлар давомида эъзоз билан нишонлаган, халқимизнинг онгу шуурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган ўзига хос, қутлуғ ва хосиятли айём.

Ушбу энг қадимий, ғоят ардоқли байрамимиз бизнинг дориломон замонда тобора янги руҳ ва янгича мазмун касб этиб бормоқда.

Бободеҳқон яхши ният билан ерга яна уруғ қадашга киришди. Қут-барака элчиси - Наврўз шукуҳидан барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти барқ уради. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг иси димоқни қитиқлайди..

Шаҳар ва қишлоқларда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағ-



рида, чаманзорга айланган боғ-роғлару гўзал хиёбонларда, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз - миллати, тили ва динидан қатъи назар, бирдек аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаётир.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда энг улуғ ва энг азиз айёмлар, жумладан, Наврўз шодиёналарининг азим пойтахтимизнинг сўлим масканларидаги улкан театрлаштирилган томошалар билан бошланиши хайрли анъанага айланган.

Наврўз шодиёналари муносабати билан Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуининг барча катта-кичик иншоотлари, саҳни, боғ-боғчасию йўл-йўлаклари байрамона безатилган. Мажмуанинг улкан зали маданият ва санъат аҳли билан гавжум. Ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар ўз маҳоратини намойиш этишга шай.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.



Соат 10.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини байрам аҳли қарсаклар билан кутиб олади.

Байрам тантаналаридан дарак берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқини, меҳмонларни умрбоқий, файзли ва шукуҳли айём - Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Саҳна узра Наврўздан дарак бериб майин наво таралади. Сарин куй оғушида кўз ўнгимизда кўкламнинг ажиб манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши билан табиатнинг уйғониш палласини мадҳ этувчи жонбахш мусиқий оҳанглар уйғунлашиб кетади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди...

Наврўз - бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўтган йили мамлакатимизда 56 ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир. Бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, равон йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади! Ватанимиз барча жабҳаларда эришаётган оламшумул зафарларни эса қанча тараннум этсак арзийди!..

Саҳнага миллатимиз давомчилари, келажагимиз эгалари -болакайлар кириб келади. Кичкинтойлар ўзларининг шўх-хандон қўшиқ-рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, соғлом авлод орзуси -аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилиш, мўътабар орзудир.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўтган даврда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Жисми жонимизни орзиқтириб таралаётган ҳаётбахш мумтоз наволар мўътабар зотлар - миннатдор аждодларимизнинг миллат иқболи, авлодлар шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига ёғдираётган олқишларига, байрам муборакбодига менгзайди гўё.

Ҳа, мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва абадийлаштириш, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаш, уларнинг мустабид замонда оёқости бўлиб қолган мангу масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда)

## БЕРУНИЙЛИК ФЕРМЕРЛАР

ЖАРАЁН

***Беруний тумани қорақалпоқ диёрининг энг қадимий, кўзга кўринган, юксак салоҳиятга эга гўшаларидан бири саналади. Туманнинг улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний номи билан боғланиши ҳам бежиз эмас.***

Чунки жаҳон тамаддунига салмоқли улуш қўшган улуғ аллома туман ҳудудидаги кўҳна Кат қалъасида таваллуд топгани тарихий манбаларда ўз аксини топган. 1997 йилнинг декабр ойида ул зоти шарифнинг Ғазна вилоятидаги мақбарасидан бир сиқим тупроқ келтирилиб, қалъа яқинида рамзий қабр бунёд этилиши туман тарихида унутилмас воқеа бўлди.

Буюк қомусий олим номи билан аталадиган бу қутлуғ гўшанинг халқ хўжалигининг барча тармоқларида қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли.

Беруний туманининг бир томони Султон Увайс тоғ тизмаларига бориб туташса, қуйи этакларини кўҳна Жайҳуннинг кумуш мавжлари ювиб туради. Бир тарафда Бадай, Толлик, Сариўтов тўқайзорлар саф тортиб турса, бошқа қисмида сарҳадсиз Қизилқум кенгликлари ястаниб ётади. Ўтмишда аҳли қалам вакилларидан бири "Ки ҳам кўҳ асту, ҳам дарёу, ҳам шаҳр асту ҳам саҳро" дея ана шу шукуҳли масканни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Мустақиллик йилларида Беруний тумани янада чирой очди, гўзаллашди. Кўплаб замонавий иморатлар қад ростлади, янги-янги корхоналар ишга тушди. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, сўнгги ўн йил ичида 31 минг квадрат метр майдонда турар-жой бинолари, 3 та янги мактаб, 3 та касалхона, поликлиника, 15 дан зиёд маданий-маиший, маъмурий бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди.

(Давоми 3-бетда)

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

## КИТОБГА ОШНО КЎНГИЛ

***Бухоро туманининг Галаосиё шаҳри Хол Муродов кўчасида маърифатпарвар инсонлардан бири яшайди. У асли касби инглиз тили муаллими бўлган Омон ака Зариповдир.***

Омон аканинг умри китобга ташналик билан ўтмоқда. Эҳ-е, унинг хонадонига кимлар келиб, кимлар кетмаган дейсиз. Китобга ташналик туфайли у қаерларда бўлмади, кимлар билан учрашмади. Чингиз Айтматов, Уйғун, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар шахсан ўз қўллари билан унга дастхат ёзиб беришган.

Омон ака адабиёт ихлосманди. Баҳс-мунозара, гўзал суҳбатлар мухлиси. Жонли таҳлилий мулоқотлардан, жарангдор шеърий лаҳзалардан лаззатланади.

Китобга меҳр, адабиётга ташналик Омон Зариповда ўқувчилик йилларидан бошланган. У 10-12 ёшларида эртаклар сеҳрига ғарқ бўлди. Қўлига тушган китобни бош кўтармай ўқишга тутинди. Туман, вилоят газеталарига кичик-кичик хабарчалар ёзиб турди. Жаҳон адабиёти дурдоналари, мумтоз адабиёт намуналари, қардош халқлар адабиётининг нодир бисотларига Омон ака астойдил ошно бўлган, десак ишонаверинг. Унинг шахсий кутубхонаси эшиги ҳамиша очиқ. Улуғлар ила суҳбат қураман десангиз, юрагингизни покиза тутинг-да, остона ҳатланг. Солиҳ суҳбат бир пиёла чой устида мароқли кечади.

(Давоми 4-бетда)

## МАФТУНКОР ЛАЗГИ

МАЪНАВИЯТ

***Ғоятда шўх "Лазги" куйи ва унга бағишланган мафтункор рақсни ҳамма томоша қилган. Тўю тантаналарнинг энг авжи ҳам "Лазги" куйи-ю рақси, десак бўлади. Аммо Лазгининг турлари ва унинг тарихи ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?***

Лазгининг зардуштийлар давридан бери келаётган қадимий рақс эканлиги тўғрисида тарихий манбалар бор. Геродот ўзининг "Тарих" китобида "Аракс (Амударё) бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулханлар ёқиб, ўсимлик ҳидидан маст бўлиб олов ўчгунча рақс тушар унинг атрофида қўшиқ айтиб эдилар" дея ёзганди.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"нинг Ясна бўлими оташпарастларнинг рақсларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Оташпарастлар оловни шарафлашга атаб ҳар йили байрам ўтказганлар. Байрамда ёмонлик худоси Ахриман ва яхшилик худоси Ахурамазда ўртасидаги кураш рақсда ифодаланган. Рақсда инс-жинсларни "жахув-жахув" деб ҳайдаганлари, "кишт-кишт" деб ёмонликни суриб қувганлари ва ёмонликнинг яхшиликдан "оҳ, оҳ", "воҳ-воҳ" деб қичқириб қочганлиги, ниҳоясида бўлса "овва-овва" дея қичқиришлари акс этади.

Муқаддас олов теварагида бўлиб ўтган бу рақс Лазгининг энг классик туридир. Беруний асаридаги маълумотлар С.Толстовнинг археологик экспедицияси пайтида топилган ашёвий далиллар, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубованинг изланишлари ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар фикрича, Лазги бу оташпарастлик давридан бери келаётган дилрабо рақсдир.

(Давоми 4-бетда)

ҲИКОЯ

## БАҲОР АЙЁМИ ЭДИ

Мақсуд ҚОРИЕВ



***Илк кўклам чоғи. Наврўз арафаси. Кечаги ёққан ёмғир гўё ҳаммаёқни яшнатиб юборгандек. Табиатда жонланиш, уйғониш, новдаларда ҳаёт нишонаси.***

Муборак ая ёмғирдан сўнг нураб кетган ўчоқни лой билан шувамоқда. Бир вақтлар гавжум бўлган бу хонадонда энди ёлғиз ўзи қолган. Якка-ягона ўғли Абдулла ҳам Тошкентда. Қизи Лазокат турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб ўзидан тиниб кетган. Ўғли Абдулла онасини " Бу ерда ёлғиз ўтирманг", деб бир неча бор Тошкентга олиб кетмоқчи бўлди, аммо Муборак ая "Ўз уйим ўлан тўшагим" деб рози бўлмади.

Эртадан бери тинмай чуғурлаётган турли-туман қушлар гўёки сабоғини такрорлаётган мактаб болаларини эслатарди. Баҳор жарчиси қалдирғочлар ҳам шу бугун қайдандир пайдо бўлиб қолишди. Ўтган йилги инларни кўриб, чуғурлаб айвон тоқисида қўниб олиб нималарнидир "маслаҳатлашишади".

Муборак ая сувоқни тугаллаб, юз-қўлларини ювди. Чарчаб, айвон ёнидаги кўрпачага чўкди. "Хуш келибсизлар" дегандек қалдирғочларга меҳр билан термулиб, нималарнидир пичирлади.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ИНСОННИНГ МУНИС УЛФАТИ

ЧЎПОН ШАЪНИГА ДОҒ ТУШИРДИ

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

# БЕРУНИЙЛИК ФЕРМЕРЛАР

(Боши 1-бетда)

165 километр газ қувурлари, 162 километр узунликда ичимлик суви учун қувурлар тортилди. Хуллас, гапираверсак, бу хусусдаги гурунгимиз узоққа чўзилади.

Туман асосан аграр соҳага ихтисослашган. Берунийлик деҳқонлар табиат инжиқликларига қарамай зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни имкон қадар адо этиб келаётирлар.

Албатта аграр соҳадаги ўзгаришлар туманда фермер хўжаликларига кенг йўл очиб берилгани билан чамбарчас боғлиқ. Айни чоғда Берунийда 14 та ширкат, 461 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Биз Берунийда бўлганимизда айрим фермер хўжаликларида бўлиб, уларнинг ишлари билан танишдик.

"Р.Юлдашев" фермер хўжалиги тумандаги энг илғор, ибратли хўжаликлардан бири саналади. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур хўжалик мамлакатимиз мустақилликка эришган йили, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ташкил этилганди. Ўтган вақт давомида хўжалик йил сайин ривожланиб, юксалиб борди.

Ҳозирги пайтда хўжаликнинг экин майдони 144 гектарни ташкил этади. Ўтган йили 100 гектар ерга пахта, 40 гектарга буғдой экилиб, кўзланган режаларга эришилди. 2003 йил ҳосили учун ҳам баракали хатти-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Ҳозирда хўжаликда ишлаётган 40 нафар ишчи ойма-ой ўз маошларини олиб туришибди.

Ўразбой Жуманиёзов номли давлат фермерлар уюшмаси таркибидаги "Шаҳзод" фермер хўжалиги ташкил этилганига унча кўп вақт бўлмаган эса-да, қисқа фурсат ичида анчагина зафарли одимлар ташланди. Ўтган йили хўжалик аъзолари 17 гектар ерга пахта экиб, давлатга режадаги 46 тонна ўрнига 50 тонна оқ олтин топширишди. 2003 йил ҳосили учун 7 гектар майдонга ғалла экилган.

-Хўжалигимиз етарлича техника базасига эга, - дейди биз билан суҳбат чоғида фермер Шавкат Раҳимов, яқинда лизинг шартномаси билан янги трактор олиб келдик.

Ўтган йилни 3,5 млн. сўм соф фойда билан якунладик.

-Қанақа муаммолар бор? – сўраймиз серғайрат фермердан.

-Ёнилғи масаласи сал қийнаб турибди, - дейди у бироз ийманиб. – Яна бир гап: бизга туман раҳбарияти яна 20 гектар ер ажратиб берса, кўпроқ пахта етиштириб ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилардик.

Туманда фақат эркаклар эмас, аёллар ҳам фермерлик фаолияти билан шуғулланаётгани бизни қувонтирди. Мазкур уюшма таркибидаги "Раҳимбобо" чорвачилик-фермер хўжалигига Малика Раҳимова бошчилик қилмоқда. Фермер опа аёл боши билан салкам ўн йилдан буён мазкур хўжаликни бошқариб келмоқда. Ҳозирги кунда унинг қарамоғида 32 бош йирик қорамол, 80 бошдан зиёд чўчқа, 15 бош соғин сигир, 10 бош бузоқ боқилмоқда.

-Ўтган йили ўз ҳисобимиздан туман халқ таълими бўлимига 15 тонна сут етказиб бердик, - дейди раҳбар, - хўжалигимизда 10 киши ишлаётган бўлса, шунинг тенг ярми ўғилларим, келин ва қизларим. Ҳозирча ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Халқимиз дастурхони тўкинчилигига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Берунийда улар каби шижоатли, заҳматкаш фермерлар кўп. Истагимиз келгусида уларнинг сафи янада кенгайсин. Улуғ бобокалонимиз руҳи берунийликларга ҳамиша ёр бўлсин.

**Ш.ТЎРЕМУРАТОВА**

# ЧИНОЗДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚЎШМА КОРХОНА

***Мамлакатимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар иқтисодий салоҳиятимизни тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этади.***

Бу борада Чиноз туманидаги "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси "Енгилсаноатинвест" акциядорлик жамияти, "Бурсел Текстил" ва "Мицубиси Корпорейшн" компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган "Чиноз-тўқимачи" ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси амалга ошираётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик.



Маълумки, юртимиз далаларида ҳар йили миллионлаб тонна пахта етиштирилади ва хомашёнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади. Бинобарин, пахта хомашёсини қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш республикамиз иқтисодиётига катта миқдорда фойда олиб келади. Мазкур қўшма корхонани бунёд этишда ҳам ана шу мақсад кўзда тутилган эди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 январдаги қарорига асосан мазкур қўшма корхона ишга тушди. Қисқа фурсатда корхона ўз маҳсулотлари билан харидорлар ишончини оқлай бошлади.

Ҳозирда "Чиноз-тўқимачи" ишлаб чиқараётган калава ип ва трикотаж маҳсулотлари дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Қўшма корхона маҳсулотларининг нархи нисбатан арзонлиги, юқори даражадаги сифати истеъмолчилар талабига ҳар томонлама мувофиқ келмоқда.

-Мақсадимиз мижозларимизни қаноатлантирадиган маҳсулотлар етказиб бериш, - дейди корхона бош директори жаноб Лами Аралп, - Корхонамиз иш кўламини келгусида янада кенгайтириш,

**ЭКСПОРТ**

маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Корхона ишини ташкил этишда дастлаб 63 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинган эди. Қўшма корхона йилига 5800 тонна калава ип 3000 тонна трикотаж матолари ишлаб чиқариш қувватига эга.

-Ўтган йили хомашё таъминотидаги тез-тез узилишлар туфайли ишлаб чиқаришда ҳам қисқа муддатли танаффуслар бўлиб турди, - дея сўзида давом этади жаноб Л.Аралп, - шунга қарамай йил давомида 5277730 кг ип, 616801 кг трикотаж маҳсулотлари тайёрладик. Шундан 5000 тоннага яқин калава ип ва 418 тонна атрофида трикотаж маҳсулотларини хорижга чиқардик. Йиллик даромадимиз етти миллиард саккиз юз миллион сўм ёки салкам 10 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Тўқув ва йигирув цехлари тўла-тўкис хорижнинг энг илғор техникалари билан жиҳозланган. Ишчи-ходимлар "Ohtoru Truserler", "Howa/CMH", "Toyoda" сингари юздан ортиқ замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида иш бажаришмоқда.

"Чиноз-Тўқимачи" қўшма корхонасида ишлаётган 609 нафар ходим ўзлари учун яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнун.

Келгусида корхона маҳсулотларига хорижда талаб ва эҳтиёж янада ортишига шубҳа йўқ.

**Ҳ.ШАМШИЕВА**



# ЎНГ ҚЎЛ ЭҲСОНИНИ ЧАП ҚЎЛ СЕЗМАСИН

**-дейди фермер Ҳаким Содиқов.**

***Қибрайликлар Туроп Нормуҳаммедов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳаким акани саховатли фермер сифатида тилга олишади. Боиси, у кишининг меҳнаткашлиги, қўли очиқ ва саховатпешалигида, албатта. Ҳозир мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фермерларнинг аксарияти юрт дастурхонини обод қилиш, бозорларимизни арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан таъминлаш, шунинг баробарида ўзининг ҳалол меҳнати орқали кўпроқ даромад олиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Ҳаким Содиқов ҳам шундай заҳматкаш юртдошларимиздан бири.***

Хўжалик ҳудудидан икки гектар ер олгач, ишни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни майда-чуйда тошлардан тозалаш, озиқлантириш, хуллас, экин экиш учун тайёрлашдан бошлади.

– Бундан 8-10 йилча бурун ҳосил кўнгилдагидек бўлмаган эди, - деб эслайди Ҳаким ака, – табиийки, ўзим ҳам, оилам ҳам бундан анча азият чекдик. Борига шукур қилдик, умидни узмай, яхши ният билан астойдил ишлашда давом этдик. Кейинги йилларда яхши натижаларга эриша бошладик. 2002 йилга келиб экин майдонларимизда 50 тонна карам, 15 тонна укроп, 40 тонна помидор етиштирдик. Такрорий экин сифатида картошка билан бодринг экдик. Жами йиллик даромадимиз қарийб 4,5 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 1,5 миллион сўмдан ошиқроғи соф фойдадир.

**ҲИММАТ**

Ўтган йили фермернинг қўшимча ер сўраб қилган мурожаати қаноатлантирилди. У кишига яна икки гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда бу ер юзаси ям-яшил буғдой майсалари билан қопланган. Бундан ташқари, бир гектар ерга плёнка остига экилган карам кўчатлари дастлабки чопиқдан чиқди, биринчи ишлов берилди. 0,4 гектар ердаги укроп ҳам бозорга олиб чиқишга тайёр.

-Чорвачилик билан шуғулланишга иштиёқингиз қандай? – деб сўрадик Ҳаким акадан.

-Тўғри, чорвачиликка қизиқишим катта, аммо ҳали етарлича имкониятга эга эмасмиз. 2002 йилда 1,5 тоннадан ортиқроқ гўштни хўжалик аъзоларига бозорга нисбатан арзон нархларда сотдик. Эндиги мақсадимиз сут ва сут маҳсулотлари етиштириш, қорамол туёғини, хусусан соғин сигирларни кўпайтириш. Фарзандларим ўзим билан ёнма-ён меҳнат қилишади. Ўғлим Адҳамжоннинг деҳқончиликка, Неъматжоннинг эса чорвачиликка қизиқиши катта.

-Билишимизча, хўжаликда мактаб қурилиши учун ўз ҳисобингиздан қарийб 3 миллион сўм ажратган экансиз?

-Эшитган бўлсангиз, "Ўнг қўлинг берган эҳсонни чап қўлинг билмасин" деган ибора бор. Яхши-ёмон кунимиз, топган обрў-эътиборимиз шу юрт билан, эл билан. Қанча яхшилик қилсак, кўнглимизни кенг, орзу-ниятларни улуғ қилсак, ўшанча камол топамиз, ҳаётимиз фаровон бўлади.

-Сиз билан Наврўзи олам арафасида учрашиб турибмиз...

-Ҳа, Наврўз эзгулик, нафосат байрами. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни бу қутлуғ айём билан табриклайман. Барчамизнинг уйимиз қут-баракага, шодиёнага тўлсин.

**Ҳ. ШАМС**

**Айни кунда Риштон туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигининг чорвачилик фермасида 121 бош чорва моллари парвариш қилинмоқда. Хўжаликда чорва моллари учун етарлича миқдорда озуқа жамғарилганлиги боис улар қишдан беталофат олиб чиқилди.**

**Фермада чорвачилик тармоғи ривожида муҳим омил бўлган бузоқ олиш ишларини яхшилаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилган. Бу борадаги ишлар учун 17 нафар чорвадор жалб этилган.**



**СУРАТДА: бузоқбоқарлар Одина Баракаева, Фарида Йўлчиева ва ферма мудири Эркинжон Муллаев.**

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ХИЗМАТ КЕНГАЙМОҚДА

***Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатувчи соҳалар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган эди.***

Аграр ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқ ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни яхшилашда «Ўзагромашсервис» уюшмасининг алоҳида ўрни бор.

Хорижий сармояларни жалб этиш ва қўшма корхоналар очиш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон вилояти «Асака мотор таъмирлаш» акциядорлик жамиятида Россия Федерациясининг Владимир мотор заводи билан биргаликда «ЎзРосМотор» қўшма корхонаси ташкил қилинди.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида техника бажарган иш мотосоат кўрсаткичи бўйича ҳисобланади. Чунки бу техникадан янада унумли фойдаланиш усулидир. Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги машина-трактор паркида «Магнум» тракторининг иши икки йилдан буён тажриба тариқасида ана шу тарзда ҳисоб-китоб қилиняпти. Келгусида бу усул бошқа машина-трактор паркларида ҳам татбиқ этилади.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БАЙРАМ СОВҒАСИ

***Наврўз байрами арафасида Нуротада касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.***

Педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ушбу коллежда йилига 900 нафар мутахассис тайёрланади. Бу йирик иншоотни «Навоийдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Коллеж ўттиз тўртта ўқув хонаси, олти лаборатория, кутубхона, маънавият ва маърифат маркази, иккита спорт зали, ошхона, фан кабинетлари, компьютер хонаси ва мажлислар залига эга.

Коллежда Нурота туманидан ташқари вилоятнинг Томди, Конимех, Учқудуқ туманлари учун ҳам педагог кадрлар тайёрланади.

# НАВРЎЗ АРАФАСИДА БУНЁД БЎЛГАН «БУНЁД»

***Наврўз байрами арафасида Наманганда момиқ сочиқ, халат, болалар кийимлари ва дастурхон тўқишга мўлжалланган «Бунёд» қўшма корхонаси иш бошлади.***

Хитойнинг Тянь Жинь шаҳридаги «Шаньхо» ишлаб чиқариш савдо компанияси ва Наманганадаги «Лола-Узор» хусусий фирмаси ҳамкорликда таъсис этган корхонага хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу ерда ойига ўн беш тонна пахта калавасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

- Қўшма корхонанинг асосий мақсади янги иш ўринлари яратиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат, - дейди қўшма корхона директори Ш.Мирзааҳмедов.

Корхонада 180 киши меҳнат қилмоқда.

**(ЎзА)**

# БАХМАЛ "ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий ҳисобот йиғилиши 2003 йил 28 март куни соат 11.00 да ўтказилади.**

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 фармони ижросини таъминлаш тўғрисида.

2.Жамиятнинг 2002 йил молиявий фаолияти якуни ҳисоботи.

3.Бухгалтерия ҳисоботи ва 2003 йил "Бизнес режа"сини тасдиқлаш.

4.Бошқа масалалар.

**Манзил: Бахмал тумани, Ўсмат шаҳарчаси.**

**Жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичлари:**

| | |
|---|---|
| 1. Ялпи даромад | - 187229 |
| 2. Жами харажат | - 176879 |
| 3. Фойда | - 10350 |
| 4. Фойдадан тўлов | - 3897 |
| 5. Соф фойда | - 6453 |
| 6. Ижтимоий ривожланишга 40 % | - 2571,2 |
| 7. Дивиденд учун 60 % | - 3881,8 |

**Кузатув кенгаши.**

*Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!*

**ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!**









**Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўздавстандарт" томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.**

**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.**

**ТЕЛ: (99871) 169-35-46, 169-49-33. ФАКС: 169-49-44.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## КЎПРИК ПОРТЛАШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

***Чечнистондаги федерал кучлар бўлинмаси Кавказ магистрал йўлида, Аргун дарёси устида яқиндагина қурилган кўприкни портлашдан сақлаб қолишди.***

Шимолий Кавказдаги минтақавий штаб вакили полковник Илья Шабалкиннинг айтишича, кўприк яқинида қўлбола портлатиш воситалари ва махфий йўриқнома топилган. Мазкур йўриқномадан бир қатор маҳаллий кишиларнинг рўйхати ўрин олган. Кўприкни портлатмоқчи бўлган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда, дея таъкидлайди минтақавий штаб вакили. Унинг сўзларига кўра сўнгги кунларда Чечнистон ҳудудида ўнта фугас топилиб, зарарсизлантирилган. 11 та қурол-яроғ омборлари йўқ қилинган. Шимолий Кавказдаги бирлашган қуролли кучлар матбуот марказининг ахборотига кўра, Грозний шаҳри ҳануз фаол диверсион ҳаракатлар маркази бўлиб турибди. Айни чоғда бу ерда тинч аҳоли ниқобида ўттиздан ортиқ кичик гуруҳлар қўним топган.

## ТЕРРОРЧИНИНГ ИЗИ ТОПИЛГАН

***Ҳарбий разведка вакилларининг "Би-би-си" мухбирига хабар беришларича, Покистон ва Афғонистонда "Ал-қоида" гуруҳи етакчиси Усама бин Лодин ва унинг тарафдорларини излаш бўйича операция давом этмоқда.***

АҚШ вакиллари ва Покистон хавфсизлик хизмати ходимларининг маълумотига кўра, "Ал-қоида" гуруҳига алоқадорликда гумон қилинаётган кўплаб шахслар ҳибсга олинган. Аммо Бин Лодин ҳануз озодликда юрибди. Хабарларга қараганда махсус хизмат ходимлари биринчи рақамли террорчининг изига тушишга муваффақ бўлишган. Ғарбий разведка кучлари фикрига кўра, айни пайтда "Ал-қоида" етакчисини қўлга тушириш имконияти илгаригидан анча юқори.

## ЧЕГАРАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Грузиянинг Панкиси дарасида жиноятчиликка қарши операциянинг иккинчи босқичи бошланган. "Новости" ахборот маҳкамасининг хабарларига қараганда мазкур дарада қидирувда бўлган 50-60 киши жон сақламоқда.***

Мамлакатнинг Россия Федерациясидаги элчисининг таъкидига кўра, навбатдаги босқич аввалгидек "намойишкорона" тарзда ўтмайди. Асосий эътибор Грузиянинг Россия билан, хусусан чеченлар истиқомат қиладиган ҳудудларга туташ чегараларни мустаҳкамлашга қаратилади. Бу масалада АҚШ томонидан 14 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилган. Шунингдек, Грузия Мудофаа вазирлиги томонидан тайёрланган махсус заҳира батальони операцияга шай турибди.

## ДИКТАТОРЛАР РЎЙХАТИДА УЧИНЧИ

***"Parade" журнали бугунги кундаги энг ашаддий диктаторлар рўйхатини эълон қилди.***

Ушбу рўйхат нуфузли халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари тавсияси асосида тузилган. Унда қайд этилган ҳукумат раҳбарлари ўз бошқарувида мутлақо чекланмаган ҳокимиятга эгадирлар. Рўйхатнинг бошида Шимолий Корея ҳукуматини 1994 йилдан бери бошқариб келаётган 61 ёшли Ким Чен Ир турибди. Иккинчи ўринда Саудия Арабистони қироли Фаҳд ва шаҳзода Абдулла зикр этилади. Бугунги кунда дунё жамоатчилиги диққат марказида турган Саддам Ҳусайн эса учинчи ўринни банд этаётир. Охирги ўринда Беларусь президенти Александр Лукашенко турганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# ИРОҚДА ҲАРБИЙ АМАЛИЁТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***АҚШ қуролли кучлари Ироққа қарши ҳаводан зарба берди. Бу ҳужум президент Жорж Буш Саддам Ҳусайнга берган икки кунлик ултиматум муддати тугагандан кейин бошланди. Талабномада Ироқ президенти Саддам Ҳусайн ўғиллари билан 48 соат ичида Ироқни тарк этиши айтилган эди. Саддам Ҳусайн бу талабни бажармади.***

Маълумотларга қараганда, дастлаб АҚШнинг Форс кўрфазидаги иккита сувости кемаси ҳамда тўртта ҳарбий крейсеридан Ироқ пойтахти Бағдодга қарата қирқдан зиёд қанотли ракета учирилган. Биринчи зарба Ироқнинг муҳим стратегик иншоотларини ишдан чиқаришга қаратилди. АҚШ ҳарбийларининг билдиришича, биринчи зарба чекланган миқдорда амалга оширилди. Ироқ ҳарбий иншоотларига ялпи зарба яқин кунларда бошланади.

Айтиш мумкинки, БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан Ироқ бўйича қабул қилинган 1441-резолюция тўлиқ бажарилмади. Гарчи, БМТ нозирлари тўрт ой давомида Ироқда ишлаган бўлса-да, халқаро ҳамжамият кутаётган битта саволга аниқ жавоб олинмади. Ироқда оммавий қирғин қуроллари йўқ эканини рад этиб бўлмайдиган маълумотлар билан тасдиқланмади.

**ШАРҲ**

Шу вақтгача АҚШ ва унинг иттифоқчилари Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар охирги чора сифатида қўлланишини таъкидлаб келди. Унгача сиёсий музокаралар бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Талаб эса аниқ эди. Ироқ ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар ишлаб чиқариш дастуридан воз кечиб, бу ҳақда халқаро ҳамжамиятга ишонарли далилларни тақдим этиши керак эди.

Таассуфки, бундай бўлмади. Бу эса Ироқ раҳбарияти халқаро ҳамжамиятнинг хоҳиш-иродасини назар-писанд қилмаганини билдиради. Таъкидлаш жоизки, халқаро коалиция нафақат Ироқни қуролсизлантириш, балки Саддам Ҳусайн ўрнатган тузумни ўзгартириб, демократик жамият қарор топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун Ироқ раҳбариятини ҳокимиятдан четлатиш энг мақбул йўл экани аён эди. Саддам Ҳусайн юритаётган сиёсат минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётганини инкор этиб бўлмайди.

Жорж Бушнинг Саддам Ҳусайнга мамлакатни тарк этиши учун икки кун муҳлат беришига сабаб ҳам аслида шу эди. Бироқ Саддам Ҳусайн ўз хоҳиши билан ҳокимиятдан кетмади. Аксинча, Ироқ халқини урушга рўбарў қилди.

АҚШнинг ҳаво зарбаси ва Ироқдаги вазият ҳақида турли хабарлар тарқатилмоқда. Масалан, 20 март куни эрталаб АҚШ қўшинлари Ироқ жанубидаги Умм-Каср портини эгаллаганини хабар қилинганди. Кувайт махсус хизматининг маълум қилишича, порт АҚШ денгиз пиёдалари томонидан эгалланган. Бироқ Кувайт радиоси Умм-Каср шаҳри атрофида жанглар давом этаётганини маълум қилди.

Кувайт-Ироқ чегарасида жойлашган АҚШ ҳарбийларининг билдиришича, Ироқ томонидан Кувайтга қарата замбараклардан ўт очилган. АҚШ қўшинлари ҳам жавоб қайтарган. Хабарда айтилишича, замбаракли дуэл Кувайтнинг Рутка нефт кони жойлашган ҳудудда юз берган.

Яна бир хабарда Басрада ўндан ортиқ нефт кони ёнаётгани айтилади.

Ҳарбий экспертларнинг таъкидлашича, уруш узоққа чўзилмайди. Чунки 1991 йилдан буён Ироқ армияси одам миқдори ва малака ҳамда ҳарбий техника жиҳатидан анча кучсизланиб қолган. Шу боис АҚШ раҳбарлигидаги коалиция зарбасига дош бера олмайди, деб қаралмоқда.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

ТУЙҒУ

## ОНАМНИНГ ТУҲФАСИ

***Ҳар гал баҳор келганда онам ёдимга тушаверади. Ўшанда биз сочлари жамалак қизалоқ эдик.***

Муаллимамиз Орзугул опа баҳорнинг илк байрами бўлмиш онажонларимиз айёмига ким нима тайёрлаганини сўради. Ҳамма жим. Шунда Орзугул опамиз бизга совға тайёрлашни ўргатиб, ҳар йили онажонларимизни байрамида табриклашни унутмаслигимизни уқтирди. Шундан буён баҳор келса муаллимамиз ўгити ёдга тушади. Орзугул опа расм дафтаридан учбурчак шаклда чизиб қирқди. Бир бўлагига худди конвертдек қилиб қоғоз ёпиштирдилар-да, устига чиройли гулларнинг суратини солди. Биз ҳам совға тайёрлашга киришиб кетдик. Онажонимиз бизнинг бу арзимас совғамизни уйимизнинг тўрига илиб қўйди. Келган қўни-қўшниларга мақтаб-мақтаб кўрсатдилар. Байрам куни эса биз тўрт қизалоққа тўрт дона чиройли расмлари бор дастрўмолча совға қилдилар. Биз бундан ғоятда хурсанд бўлдик. Дугоналаримизга роса мақтадик. Бу одат ҳар йили давом этарди. Биз улғайгач, энди бу дастрўмолчалар тўрт дона рўмолчага алмашди. Уларни авайлаб ўрардик. Кейин эса тўрт қиз тўрт томонга оқ кабутардек учиб кетдик. Онам шунда ҳам бошларинг омон бўлсин дея рўмол совға қилишни канда қилмасди. Биз-чи, биз. Шу пайтгача онажонимизга нима совға қилдик. Яхшиямки туғилган кунлари бор. 12 июнда ҳаммамиз боримизни олиб йиғиламиз. Бундан онамнинг кўзлари ёшланди. Қўни-қўшнилар бизга ҳавас билан қарайди. Аммо байрамларда бирров йўқлаб боролмаймиз. Энди билсам онам бизга тўрт дастрўмол бериб унга қўшиб меҳрларини ҳам берган эканлар. Ҳар байрамда ўша оппоқ, чиройли қушчалари бор дастрўмолни эслайман. Қизлари энди ундай дастрўмолчаларни қизларига инъом қилишади. Онамнинг удумини қайтаришади.

**Хонбиби МАҲАМОВА**

# БАҲОР АЙЁМИ ЭДИ

(Боши 1-бетда)

Ўғли Абдуллани эслади. Кўз ўнгида унинг болалик йиллари намоён бўлади.

Бир куни Абдулла:

-Ойи, ойижон. Қалдирғочларнинг ўтган йили учирма қилган болалари қаерда қолиб кетишади-а?

-Биласанми ўғлим, айтишларига қараганда қушлар болаларини учирма қилгач, кейин бир умр кўришмас эмишлар.

-Нега, нима учун, болалари ўлиб кетадиларми?

-Йўқ, улар ҳам ўзлари алоҳида оила қурар эканлар...

-Қизиқ...

Қалдирғочлар бирданига яна чуғиллаб қолишди, Муборак аянинг хаёли бўлиниб, беозор қушларнинг тақдирига гўё ўзи ҳам жавоб беролмагандек ҳайрон. Зеро, бу гапни унга онаси ҳикоя қилиб берган эди.

Уруш йиллари эди. Ўшанда ҳовлида бир туп балх тути бўларди. Авжи иликузилди вақтида бу оила кунига ўша балх тути ярарди. Чодир тутиб қизи Лазокат оёқлари билан тутнинг бақувват шохларини силкитарди. Марвариддек тут доналари дув тўкиларди, болалар бўлса уни каппалаб, зўр иштаҳа билан ейишарди.

Бир куни ҳовлига тўсатдан уч киши кириб келди. Бирининг қўлида болта, яна бирида арра, кўзлари ҳовлида чиройли бўлиб турган балх тутда.

-Ҳой, уйда ким бор? – сўраб қолди мўйловли киши. Абдулла онасини чақиради.

-Аяжон, қуртларимиз оч, шу тутингизни шохларини кесамиз, - деб қолди ўша хушмўйлов киши.

-Эсинг борми ўзи, балх тутни кесиб бўладими, ахир болаларни ризқирўзидан ажратмоқчимисан.

-Эй аяжон, Ватанга пилла керак. Унинг аҳамиятини Сизга тушунтириб ўтирмасак ҳам бўлади. Ўзингиз биласиз-ку?

Муборак ая жим, жаҳли чиқди-ю, ўзини тутиб турди. Кейин:

-Тушунаман, аммо давлатимиз менинг ҳовлимдаги шу тутга муҳтож бўлиб қолдими? Уволдан қўрқмайсизларми!?

-Ўзингиз тушунган аёл бўлиб туриб...

-Ҳа, тушунганим учун шундай деяпман. Нима қилсаларинг ҳам лекин балх тутни кестирмайман, бу муқаддас дарахт. Қайга борсаларинг бораверларинг. Инсофсизлар.

-Ия, аяжон оғзингизга қараб гапиринг, ахир бизда нима айб, буйруқни бажараяпмиз. Райкомдан айтишди, бу партиямиз кўрсатмаси, уёғини сўрангиз...

-Сиёсатингни қўй менга, партиянг сенга бировнинг ҳовлисидаги балхи тутни кес демаган бўлса керак-а?

Мўйловли киши жаҳли чиқиб, бир аяга, бир шерикларига қараб турди.

-Бу кампирнинг гапига қулоқ берманглар, қани кесаберинглар, - деди мўйловдор киши.

-Тутни кесадиган одамни кўрсатиб қўяман, - деди-ю, Муборак ая айвон чеккасида турган болтани олиб, ғазаб билан уларга қараб турди.

Шу пайтгача бир чеккада индамай турган Қоплон онани ҳимоя қилиб акиллаганча уларнинг оёғига ёпишмоқчи бўлди.

-Эй, итингизни тортинг, яна қопиб олмасин, деганча ҳаммалари қочганча эшикдан чиқиб кета бошладилар.

-Раисга чиқиб айтамиз, ўшанда кўрасиз, ҳа.

-Қўрқитмай қўяқол, - ўзим раисга чиқаман. Рафиқов тилла одам, ҳаммасини яхши тушунади. Сенларга ўхшаган шафқатсиз эмас. Ўзи ҳам болаликдан тут еб катта бўлган...

Муборак ая ўша дамларни ёдига олиб, мийиғида кулиб қўйди. Бир чеккада бу можаро нима билан тугар экан деб турган Абдулла келиб "Ойижон, зўрсиз-да, бопладингиз-да..." деб онасини қучоқлади.

Мана шундан бери қанча йиллар ўтиб кетибди. Абдулла бўлса катта бир вазирликни бошқармоқда. Ўқишга кетди-ю, шу-шу Тошкентда қолиб кетди. Илгарилари тез-тез онасини кўргани келиб турарди. Кейин ишдан ишга, амалдан амалга кўтарилиб, қўли тегмай онасидан хабар ололмай қолди.

Муборакхон яна ишга киришиб, ҳовли юзасидан қишдан қолган эскитуски нарсаларни бир чеккага йиғиб, кейин айвонга сўри қилинган ток устига ёпилган бардиларни ҳам очабошлади. Ҳа, буёғи баҳор, илиқ-иссиқ кунлар бошланади.

Шу вақт эшикдан қишлоқ оқсоқоли Жалил ака кўринди.

-Эй, Муборакхон, нима қилаяпсан ўзи, шу ҳам иш бўлдими? Ҳали қишнинг заҳри кетгани йўқ, яна шамоллаб қолма. Ахир ёш эмассан-ку! Қўй, анави Тожибойни юбораман, ҳамма-ёқни тозалаб кетади.

-Тожибойми, ҳе тусини ел есин ўша дангасани, иш буюрсанг чала-чулпа қилади, тағин ароққа пул сўраганини айтмайсанми! Пияниста.

Жалил индамади. Бу жафокаш бир сўзлик аёл, айтганини қилади. Ўзи бўлса тиниб-тинчимайди. Эртаю кеч ишлаб чарчамайди. Бўлмаса ўғли: "Тошкентга олиб кетаман, ўзим билан турасиз", деб ёлворганда ҳам кўнмади, "Туғилиб ўсган жойим, отангни чироғини ёқиб ўтирай" деб туриб олади.

Аммо нима қилса ҳам ўғилда, кўнгли бўлмай бир куни қўярда-қўймай онасини Тошкентга олиб кетди.

Далага ўрганган аёл эмасми, эртадан кечгача кўп қаватли уйда қафасга тушгандек бекор ўтира бериш жонига тегиб кетди. "Нафасим қисилиб кетаяпти" деб ўғлига бир неча бор "олиб бориб қўй" деб ёлбораверди. Меҳнатда чиниққан аёл эмасми, негадир келини қилган иш ёқмайди. Атайми, ё ўзи шунақами идиш-товоқларни тақиллатиб ювади. Бу Муборак аяга ёқмайди. Тўғриси, кўнглига ҳар хил фикрлар келади.

Мана, келини Мастура оёғини чалиштириб олиб ким биландир телефонда узоқ сўзлашади. Қотиб-қотиб кулади. Дугоналарини ёмонлайди. Шундай майда-чуйда, эзма, кераксиз гапларки, қайнонаси ҳайрон. Бошқа иши йўқми, бу аёлни деб кўнглидан ўтказади.

-Қизим, музлатгичингизнинг ичини ҳид босиб кетибди-ку! – деди ниҳоят келинига юзланиб.

(Давоми келгуси сонда)

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

***Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Владимир Маминов ва Олег Пашинин тўп сураётган Россиянинг "Локомотив" жамоасига футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси 6-тур баҳсларида омад кулиб боқмади.***

Ўз майдонларида "Реал" жамоасига қарши тўп сурган москваликлар ҳужумкор ўйин намойиш этсалар-да, рақиблар дарвозасига гол йўллай олишмади. Аксинча, бразилиялик футбол юлдузи Роналдо томонидан Маминов жамоаси дарвозасига гол киритиши "Реал"га муҳим уч очкони ҳадя этди.

### КИКБОКСИНГЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

***Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори кикбоксинг ривожига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда.***

Чунки кейинги йилларда кикбоксинг турини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида турли хил клублар, тўгараклар сони ортиб боряпти. Қувонарли жиҳати, ушбу спорт тури бўйича кўпгина турнирлар уюштириляпти. Куни кеча шаҳримиздаги "ЖАР" спорт мажмуида кикбоксинг бўйича мамлакат очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган кикбоксингчилар ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди. Айниқса, ушбу турнирга Осиё кикбоксинг ассоциацияси раҳбарларининг ташриф буюрганлари мусобақа нуфузини қай даражада эканлигини, мамлакатимиз ёшлари иқтидорига хорижликлар юқори баҳо бераётганликларини исботлайди. Қизғин, муросасиз кечган баҳсларда ғолибликни қўлга киритган ёшлар совринлар ҳамда мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

### БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

***Тошкент Умумқўшин Қўмондонлик билим юртида зобитлару аскарлар ҳамда курсантлар иштирокида уюштирилган спорт тадбири яшариш, янгиланиш айёми Наврўзга бағишланди.***

Унда ўзларининг эпчиллигу чаққонликларини намойиш этган мазкур илм масканининг курсантларидан ташкил этилган жамоа ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Спортнинг 100 метрдан 3 километргача бўлган масофаларга югуриш, ҳар хил эстафедалар, арқон тортиш, кураш, баскетбол, воллейбол бўйича ўтказилган баҳслар ғолибларига тадбир якунида эсдалик совғалари тухфа этилди.

### ТОШКЕНТЛИКЛАР ИККИНЧИ ЎРИНДА

***Спортнинг техник турлари бўйича турнирлар ўтказиш марказига айланиб бораётган Навоий шаҳрида мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан мотопойга бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 12 жамоа иштирокидаги мусобақа пойтахтлик спортчиларга омад келтирди. Жамоалар ўртасида уюштирилган беллашувларда биринчи ўрин Навоий вилояти жамоасига насиб этган бўлса, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Хоразмлик мотопойгачилар эса учинчи ўрин билан кифояланишди. Якка тартибдаги баҳсларда Артем Девиденко, Олег Двойниц ва Эдуард Кличколарга тенг келадиган рақиблар топилмади. Клублар ўртасида эса чемпионатнинг олтин медалларига Зарафшон шаҳри клуби сазовор бўлган бўлса, иккинчи ўринни Олмалиқ шаҳри клуби аъзолари эгаллашди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари ҳамда совринлари билан тақдирланди.

### ФАРҲОД БАКИРОВ ЯПОНИЯДА

***Профессионал боксчилар рейтингида ўз вазни тоифасида 14-ўринни эгаллаб турган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров Японияга жўнаб кетди.***

Шуниси қувонарлики, ўз вазни тоифасида жаҳон чемпионлигида даъвогарлик қилаётган Фарҳод 27 март куни кунчиқар мамлакатда 10 раундлик рейтинг жангида япониялик чарм қўлқоп устаси билан куч синашади.

### БЕЛБОҒЛИ КУРАШ РИВОЖЛАНАДИ

***Шаҳримиздаги Республика Олимпия заҳиралари коллежида мутахассислар иштирокида белбоғли кураш бўйича конференция бўлиб ўтди.***

Унда қатнашган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов ушбу спорт турининг бугунги кундаги аҳволи, унинг қонун-қоидаларини мукаммаллаштириш, белбоғли курашни жаҳон спорти даражасига кўтаришнинг истиқболли режалари ҳақида маъруза қилди. Конференция қатнашчилари белбоғли кураш баҳсларидаги усуллар ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бундан буён ушбу спорт тури чала, ҳалол, дакки, ғирром каби тўрт кўринишда баҳсланишига келишиб олишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## МОДАЛАР ЖИЛОСИ

КЎРГАЗМА

***Наврўз арафасида Замонавий санъат марказида "Катта шаҳарнинг ёғдулари" лойиҳаси асосида баҳор-ёз мавсумларига мўлжалланган либослар кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбир "Либослар" дизайн галереяси ҳамда "Фигаро" мода агентлиги томонидан ташкиллаштирилди.

Лойиҳа дастурини намойиш этишдан кўзланган асосий мақсад – ўзбекистонлик дизайнер-рассомлар ижодини тарғиб қилиш ва чет эл фасонларидаги либосларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда кенг жамоатчиликка тақдим этишдан иборат. Шунингдек, кўргазмага қўйилган асарлар асосида мода оламидаги энг сўнгги янгиликлардан ҳам хабардор бўлиши мумкин. Ушбу кўргазма 2002 йилнинг 20-21 сентябр кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кўргазмалар саройида бўлиб ўтган куз-қиш мавсумига оид либослар намойишининг узвий давоми ҳисобланади.

Мазкур кўргазмадан Александра Чичинова, Шерзод Отабоев, Влад Сабателли, Екатерина Драганова, Лола Исмоилхўжаева, Елена Носкова, Нигина Йўлдошева, Лола Сайфи каби бир қатор дизайнер-рассомларнинг ижодий ишлари ўрин олган.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**




Сурат А.ЖУМАЕВники.

(Боши 1-бетда)

Мутахассислиги тарихчи этнограф бўлган, "Лазги" рақсларининг толмас ижрочиси Гавҳар Матёқубованинг аниқлашича, Лазгининг 9 та тури мавжуд.

Мана шу "Лазги"лар ҳар хил шароитда пайдо бўлиб, асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган. "Масхарабоз лазгиси", "Қайроқ лазгиси", "Олов лазгиси", "Дутор" ва "Сурнай" лазгилари, "Хива лазгиси", "Хоразм лазгиси" ҳамда шарт-шароит тақозосига кўра пайдо бўлган "Ўғлон бола" ва "Гармон лазгиси"дир.

# МАФТУНКОР ЛАЗГИ

Ушбу "Лазги"лар ўз мазмуни билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир ўйин ўз турининг яралиш, пайдо бўлишининг тарихий жараёни, очилиши ва ёпилиши мавжуд. Фақат бошланиши анъанавий, холос.

Айниқса, "Лазги"га тушаётган рақкосанинг бошидаги шавкала, тақинчоқли тахё, пар, дудор, попук, баргаклар фақат Хоразмгагина хосдир. Майда одимлар билан даврага чиқиб, қўлларини ҳавода титратиб, юзида мискин табассум билан олдинига бормоқ, панжа, қўл, елка, бошни, кейин эса аста-секин танасини ҳаракатга келтириб рақс тушувчи рақкосаларнинг мусиқага хос



мафтункор санъати ҳаммани ўзига жалб этади.

Қизиғи шундаки, ўтмишда "Лазги"ни илоҳий куй, инсоннинг яралиш куйи деб ҳисоблашгани учун унга сўз боғлашга ботинмай келган эканлар. Биринчи бўлиб "Лазги"га Комилжон Отаниёзов сўз боғлайди. У Комил Хоразмий шеъри асосида айтиладиган "Яллали лазги" ижодкоридир. Ана шундан кейин "Лазги"га сўз боғлаш анъанага айланди.

Гавҳар Матёқубова айтишича, "Лазги" рақсининг қайси тури бўлмасин, у ким томонидан ижро этилмасин, ҳар кимда ўзига хос чиқади. Ҳар бир ижрочининг услуби ўзига хос ва мос бўлиб, бетакрордир. "Лазги"нинг оригинал ижро услублари, кўриниши, мазмуни билан фарқланадиган турлари кўп. Унинг очилмаган сирлари ҳали бир талай. "Лазги" ўз элига, ўз бешигига эгадир.

Турли даврларда ўз рақслари билан "Лазги"нинг моҳир ижрочилари деб тан олинган Султон Отаниёзов, Рейим Оллаберганов, Пўлат Раҳматов, Гавҳар Матёқубова, Малоҳат Матчонова, Света Худойберганова, Юсуф Жабборов, Роза Бобожонова каби санъаткорлар ижод қилиб халқ олқишини олганлар.

Хуллас, "Лазги" куйи ва рақси бугунги кунларимизгача етиб келиб, бойиб такомиллашган қадимий санъатимиздир.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Газетхон ижодидан*

## МУРУВВАТ ҚИЛ

**Фидоий ҳар умр сўнги**
**Ажин юзда ниҳоятдир,**
**Азиз одам, юзингда ҳар**
**Ажинким, битта оятдир.**

**Сенинг кечган ҳаётингни**
**Насиб этмайди ҳар кимга,**
**Сен ўтган битта сўқмоқни**
**Босиб ўтмак кифоятдир.**

**Мурувват қил қадам қўйган**
**Изингдан бир сиқим тупроқ**
**Олиб кўзимга суртай мен,**
**Ўшал менга иноятдир.**

**Кўнгилда зарра гар шубҳа**
**Ё тирноқдай гумон қилсам,**
**Менинг қатлим учун боис**
**Бориб турган жиноятдир.**

**Сенинг ҳикмат тўла ҳар бир**
**Сўзингга муштаҳиқдирман,**
**Нечунким, ҳар калимангнинг**
**Ўзи зўр бир ривоятдир.**

**Ривоятким, ривоятмас,**
**Хаёл афсонавий бир тарз.**
**Нуриддин, сен каби бисёр**
**Нодонларга ҳикоятдир.**

Нуриддин БОБОҚАНДОВ

# ЭСДА ҚОЛДИРИШНИНГ УСУЛИ "ТОПИЛДИ"

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

Нью-Йорк полицияси ва ўт ўчирувчилари 11 сентябрдаги офатни эсда қолдириш учун ўзларининг орқаларига ҳамда қўлларига ўчмайдиган суратлар солдиришмоқда. Суратларнинг орасида 110 қаватли икки иморат билан Халқаро савдо марказидаги ўтни ўчиришга қатнашган бўлимлар ва полициянинг эмблемалари учрайди. Шу мақсадда ўт ўчирувчилар ҳамда полициячилар татиуровка салонларида узоқ навбат кутиб туришган.

* * *

Британиялик бир миссионер ўз ҳаётини енгилтакларни қайта тарбиялашга бағишлаган. Ҳозир у Эфиопиядаги енгилтак аёлларни шоколад тайёрлаш касбига ўргатмоқда. Миссионер Барни Батчелор Аддис-Абебага Англиядаги Файф шаҳридан келган.

-Жаноб Батчелор енгилтак аёл ва қизларни жамоат ишларга жалб қилиш керак, - дейди. – Унинг айтишича, шаҳарда енгил табиатли аёл ва қизлар кўпайиб кетган. Бундай ҳаёт кечирувчилар орасида 12-13 ёшли қизлар ҳам учрар экан.

* * *

Американинг Орегон штатида яшовчи художўй Уэсли Маркл катта совғага эга бўлди. Аёл буғлаб пиширилган карамнинг ичидан тоза олтиндан тайёрланган крест топиб олди. Бундай воқеа, яъни сабзавот маҳсулотининг ичига бегона нарсанинг тушиб қолиши биринчи бор учраши экан.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

# КИТОБГА ОШНО КЎНГИЛ

(Боши 1-бетда)

Тўрдаги суратга қаранг. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов сизга ўйчан нигоҳларини қадаб турибди. Ёнидаги кўзойнакли йигит Омон Зарипов. Бешкек шаҳридаги адабий мулоқотда Омон ака Чингиз Айтматов асарларидаги ғоялар ҳақида гапириб, оқсоқол адибнинг назарига тушган ва мушоҳадаси кенг ўзбек китобхони Чингиз Тўрақуловичга ёқиб қолганди. Омон ака ана шу қайноқ фикрли баҳсмунозараларни соғиниб хотирлайди.

Аллома адиб, файласуф шоир Асқад Мухтор билан бўлган мулоқотлар эса Омон аканинг қалб мулкига айланган. Асқад ака зукко китобхонини кўп яхши сўзлар билан сийлаган. "Эҳ, Омонбой, кошкийди ҳамма китобхонлар ҳам сиздай заковатли бўлса", деган сўзларидан қаҳрамонимиз беҳад хурсанд бўлган.

-Асқад Мухторнинг ҳамма асарларини нашриёт тафти кўтарилмасдан ўқиганман, - деди Омон ака. – Аммо, кейинги нашр "Тундаликлар" мени зилдек қилиб қўйди. Мағзли китобнинг ҳам ўзига хос юки бўлар экан. Ҳазм қилиш қобилиятингиз ҳаминқадар бўлса, уни ўқимай қўя қолинг. Мабодо ўзингизга кўнглингиз тўлиб, мушоҳадамни чархлайман десангиз, "Тундаликлар"ни ўқинг. У "Орифнома", "Амир Темур ўгитлари" сингари китоблар қаторида туради.

Яна битта салобатли сурат диққатимни тортди. Кўзойнак остидаги самимиятни дарров танидим. Ўзбекистон Халқ шоири Туроб Тўла Омон акага дастхат битаяпти. Меҳр порлаб турибди Туроб аканинг кўзида. Дастхат эмас, қўшиқ битиляпти хаёлимда. Омон ака бу шоҳбайтни ўша сурат тагига битиб қўйган.

Омон Зарипов муаллимлик фаолиятини 1963 йилда бошлаган. Эҳ, унинг Тошкент ҳавоси билан келган умрининг навқиронлик паллалари ёддан чиқармиди?! Беш йил қатнашилган адабий гурунглар, шеърият кечалари, янги асарлар муҳокамаси, ёзувчилар, шоирлар билан бўлган тонготар мулоқотлар Омон аканинг оёғини чаққон, тилини бийрон қилиб, Бухорога кузатган эди. Чиндан-да, ёш муаллимнинг насибаси бутун чиқди. У кўп ўтмай, Бухоро тумани халқ таълими бўлимига ишга чақирилди. Ропа-роса 21 йил услубшунос бўлиб ишлади.

1993 йили Галаосиё Омон аканинг ташаббуси билан иқтидорли болалар мактаб-интернати иш бошлади. Изланувчан, билимдон сардор бу жойда 2002 йилгача фаолият кўрсатиб, сўнг нафақага чиқди. Севинч кўз ёшлари кўзойнак қаншарининг тўсиғини ҳам сизиб ўтди.

Омон Жўраевич нафақага чиқиб ҳам қалби ҳувиллаб қолмади. Ҳовлининг бир бурчагида ўзи учун мутолаа хонаси қурди. Узоқ йиллик сурат ва альбомларга тартиб берди. Чортоққа чиқариб қўйилган "Шарқ юлдузи", "Фан ва турмуш", "Гулистон", "Саодат", "Ёшлик" журналлари тахламларини пастга олиб тушди. Мутолаа хонасида уларга алоҳида жой ажратди. Хона Лойиқ Шерали, Омон Мухтор, Сайёр, Тўлқин, Нурали Қобул, Абдулла Шер, Аҳмад Аъзам каби шоир ва ёзувчиларнинг дастхатли китоблари билан ранго-ранг бўлди. Дастхатлар орасида Рудакий мукофоти соҳиби, тожик элининг талантли шоири Лойиқ Шералининг дастхатига тикилиб қолдим. Омон ака мени кузатиб турган экан:

-Шоир Самандар Воҳид бошлаб келувдилар, - дея шарҳлаб кетди Омон ака. – Иккалалари ҳам озгина сархушроқ эдилар. Самандар ака Лойиқнинг ўтлуғ шеърларидан айрим намуналарни ўзбекчага таржима қилиб, Тошкентдан чоп эттирган эканлар. Китоб номи ҳам ўзига ярашлиғ: "Муҳаббатим". Лойиқ билан бемалол тожикча гаплашдик. Бирам шиддатли шоир экан-ей, қойил қолдим. Маҳобатлилиги ва малоҳатлилиги ҳам мени мафтун этди. Мароқли базми жамшид қилдик. Учта ҳақиқий дарвеш тўпландик чамамда. Лойиқ ўз шеърлари таржимасидан қониқиб-қониқиб сўзлади. Самандар Воҳидни кўкларга кўтариб мақтади. Самандар ака вазминлик билан жим тинглади. Шеърхонлик ҳам бўлди. Икки катта шоир роса юрак бўшатишди.

-"Муҳаббатим"га ҳар иккала шоир ҳам дастхат битиб беришди. Китоб жавонимга ўзи билан учрашмай битилган хассос бир шоирнинг дастхатли китоби бор. Бу раҳматли Ҳайриддин Салоҳнинг китобидир. Тошкентда ўқиб юрган кезларим эди ўшанда. Газета харид қилиш учун киоскага бош суқсам, сотувчи аёл бир чиройли китобни варақлаб ўтирибди. Бир лаҳзага сўраб олиб ҳайрат билан кўз югуртирдим. Китоб аёл кишининг номига дастхат битиб берилган экан. "Шу китобни эртагача бериб туролмайсизми" десам, "сотиб ола қолинг", деди опахон. Дарҳол пулини тўлаб, китобни бағримга босиб йўлимда равона бўлдим. Китоб дастхати гарчанд менинг номимга ёзилмаган бўлса-да, Ҳайриддин Салоҳдек улкан шоирнинг дастхатли китоби борлиги кўнглимни тўлқинлантирганди.

-2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши дилимни равшан қилиб юборди, - дейди Омон ака мамнун кайфиятда. – Шартта 400-500 та журнал, китобни дўконга чиқариб расталарга тердим-да, маҳалла кутубхонасига айлантирдим. Ҳозирда Нарзулла Ашуров номидаги маҳалламизнинг кекса-ю ёши кутубхонадан баҳраманд. Бўш вақт мароқли, ғийбат-жанжал йўқ. Кутубхона эшиги кечаю кундуз очиқ. Муддао одамларни китобдан баҳра олишга чорлаш. Тағин кўнглингизга бирор гап келмасин. Ҳеч кимдан бир тийин олинмайди. Китобга ошно қалб жаҳлдан йироқ, босиқ, ўйлаб гапирадиган бўлади.

Албатта, бу сўзлар Омон аканинг қалб тўридан сизиб чиққан. Зеро, у кишига ўхшаган одамларни илму маърифатнинг хазинаси десак арзийди.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-205, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6